

**Уй-жойни ижарага бериш бўйича 3 томонлама
ижара шартномаси №9**

1. январь.2022 йил

(тузилган сана)

Хонқа тумани

(тузилган жой)

Биз, Қўшқўпир, тумани, Кенегас МФЙда, доимий пропискада турувчи, 1981 йилда туғилган Абдурахмонов Жасурбек (паспорт серияси_СТИР, рақами 513184494, паспорт серия АА, рақами 8824497, 11.03.2015 йилда қўшқўпир тумани ИИБдан берилган) (бундан буён матнда Ижарага берувчи деб юритилади) бир томондан, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Ватанпарвар МФЙ Андалип кўчаси 73-уй 5-хонадонда доимий пропискада турувчи, 1988-йилда туғилган Жабборов Донёр Рустамович (СТИР 634768931, паспорт серияси АС, рақами 2618581, 01.01..2020 йилда Хонқа туман ИИБдан берилган) (бундан буён матнда Ижарага олувчи деб юритилади) иккинчи томондан ва Хонқа тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси 30-уйда жойлашган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, (ИИН 202374374, МФО 00560, х/р 23402000300100001010, учинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Шартноманинг предмети

1. Мен, Ижарага берувчи мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Хоразм вилояти, Урганч шаҳри Гурлан кўчаси 23-уй 2-хонадонда жойлашган жойлашган уй-жойни Ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига бердим, мен Ижарага олувчи ушбу уй-жойни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун қабул қилдим.

2. Ижарага берилаётган уй-жой қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони 45.06 квадрат метр, яшаш (фойдаланиш) майдони 45.06 квадрат метр бўлган (2 та яшаш хонаси, дахлиз, ошхона, санузел ва ҳоказо) ни ташкил этади. Ижарага берилаётган қисми 45.06 квадрат метр ни ташкил қилади.

3. Турар жой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама Ижарага берувчига ижарага олувчи ва туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида 2022 йил 1-январдан 1-ийунгача қадар бўлган муддатга тузилди. Ҳокимининг 2015 йил 04.декабрдаги № 1420- К-сонли қарорига асосан тегишлидир.

2. Ижара ҳақи

4. Ижарага берувчи юқорида кўрсатилган уй-жойни Ижарага олувчига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 08 апрелдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган “Хотин-қизлар муаммоларини” Аёллар дафтари”ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб”нинг 5-§ мувофиқ, турар жой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама – ижарага берувчи, ижарага олувчи ва туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида 2022-йил 1-январдан 31 ийун қадар бўлган муддатга тузилади;

Турар жой ижараси учун тўловлар тегишли тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади.

6. Ижарага берилган уй-жойдан фойдаланиш учун ижара ҳақи тарафлар келишувига асосан ҳар ойига 800000сўмдан ҳар ойнинг 10 кунига қадар Ижарага берувчига тўлаши шарт.

7. Ижарага олувчи берилган уй-жойдан фойдаланиш учун ижара ҳақи тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузса Ижарага берувчи шартномани бир томонлама бекор қилишга ва ижарага берилган уй-жойни бўшатиб беришни Ижарага олувчидан талаб қилишга ҳақли.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Мен, Ижарага олувчи ижарага олинган уй-жойни вазифасига мувофиқ равишда фойдаланишни, ўз ҳолатида сақланишини таъминлашни, уни яхши ҳолда тутишни ҳамда санитария ва ёнғиндан сақлаш қоидаларига тўлиқ риоя этишни; ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб туришни ўз зиммамга оламан.

9. Мен, Ижарага олувчи (ёки Ижарага берувчи) совуқ ва иссиқ сувдан, электр энергия ва газдан, телефон алоқаси ҳамда маиший чиқиндилардан фойдаланганлик учун, шунингдек уй-жой билан боғлиқ бўлган барча тўловларни ўз вақтида тегишли ташкилотларига қонун ҳужжатларида белгиланган тарифларда ва муддатда тўлашни ўз зиммамга оламан.

10. Мен, Ижарага берувчи мулк хукуки асосида тегишли мулкни ижарага берганлигим ва бунинг натижасида даромад олаётганим учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тегишли давлат солиқ хизмати органига тўлаб боришни ўз зиммамга оламан.

4. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш

11. Ушбу шартнома талабларини лозим даражада бажармаган ёки бажаришдан бош тортган тараф қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади, низо келиб чиққан тақдирда суд тартибида ҳал қилинади. Шартномани бекор қилиш ҳақида тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради.

Уй-жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг розилиги билан ижарага берувчини уч ой аввал ёзма равишда огоҳлантириб, исталган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақли.

5. Яқуний қондалар

12. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 129, 375, 397 ва 398-моддалари мазмун ва моҳияти биз тарафларга тушунарли.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 606-моддаси ва тарафларнинг келишувига асосан ижарага берилган уй-жойда Ижарага олувчи билан бирга унинг оила аъзолари Товоғое Дониёр, Укмурод Мағдиза, Шамалдориев Махмуд

(яшовчи оила аъзоларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси кўрсатилади) яшайди.

14. Мен, Ижарага берувчи мазкур шартнома имзолангунга қадар ижарага берилаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва ижарага берилиши тақиқланмаганлигини кафолатлайман.

15. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси давлат солиқ хизмати органида сақланади, қолган нусхалар тарафларга берилди.

Томонларнинг яшаш манзиллари:

Ижарага берувчи:	Ижарага олувчи:	Хонқа тумани маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлими
<p>Ф.И.О Абдурахмонов Жасурбек Куранбаевич Манзили: Кўшкўпир тумани Кенегас МФЙ Паспорт серия Рақами АА 8824497,11.03.2015 йил Кўшкўпир туман ИИБ Платик карта рақами 8600042467818919 Аграбанк Кўшкўпир филиали</p>	<p>Ф.И.О Жабборов Дониёр Рустамович Манзили: Хонқа тумани Андалип МФЙ 73-уй 5-хонадонда Паспорт серия рақами АС 2618584, 01.01.2020 Хонқа тумани ИИБ</p>	<p>Манзили: Халқлар Дўстлиги кўчаси 30-уй ИИН 202 374 374 МФО 00014 Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ Х/Р23402000300100001010 ШХР 305122860332237109602018001 ИИН 201 122 919 100022860332237011204018002</p>
<p>Имзо <u>[Signature]</u></p>	<p>Имзо <u>[Signature]</u></p>	<p>Имзо <u>[Signature]</u></p>

Изоҳ: Шартнома шартларига тарафларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Товоғое Дониёр К. Рахимов